

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Самарқанд шаҳрида ташкил этилган Касб-хунарга ўқитиш марказига ўқувчилар қабул қилинади.

Марказда ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш куйидаги касблар бўйича бепул амалга оширилади:

1. Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик (автослесарлар, мотористлар, автоэлектриклар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар).

2. Пайвандлаш ишлари механик-техниги (электрғейда, автомат ва яримавтоматда (кепмомат), газ алангаси ёрдамида, аргон (вольфрам электрод)да пайвандловчилар, сантехниклар, чилангарлар ва металлларга ишлов бериш мутахассислари).

3. Электрон техникаларни монтаж қилиш ва сошлаш техниги (электромонтаж ишлари, электр юритмаларининг электр чўлғамларини ўраш, дастурий мантикий контроллерлар (PLC), саноат электромонтажи ва бошқаруви, электротехника компонентлари, маиший техникаларни таъмирловчи ва уларга техник хизмат кўрсатувчи усталар).

4. Компьютер инжиниринги техниги (Ахборот технологиялари) (Веб дастурчилар, компьютерларга техник хизмат кўрсатувчи усталар, тармоқ операторлари, видеокузатув мосламаларини ўрнатувчилар ва уларга техник хизмат кўрсатувчилар, офис ишлари оператори, 1С бухгалтерия, SMM маркетингини юрутувчилар, видео ва фотомонтажчилар, реклама gif аниматорлари).

5. Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жихозлари ва уларни автоматлаштириш (токарь, фрезерловчи, техник-технолог, кенг профилли дастгоҳчи, сонли дастурли бошқариш станоклари, автоматик ва ярим автоматик тизимлар оператори).

6. Компьютер графикаси ва мультимедия тизимлари техниги (Ташқи рекламалар дизайнери, моск-ур дизайнерлар, қадоклаш маҳсулотлари дизайнери, чоп этиладиган реклама объектлари дизайнери, текстил соҳасида дизайнерлар, 3Д моделлар дизайнери, Веб дизайнер, фотограф, фотомонтажчи, видеомонтаж устаси, ландшафт дизайнери, интерьер ва экстерьер дизайнерлар, қурилиш объектларини махсус дастурларда лойиҳаловчи дизайнерлар, реклама соҳасида ишлатиладиган ускуналар оператори).

Марказда касб-хунарга ўқиш муддати 8 ой, шундан Марказда ўқиш – 6 ой, корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти – 2 ой.

Битирувчиларга эгаллаган касби (мутахассислиги) бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом берилади.

Марказда ўқиш учун ўзингиз яшайдиган туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш Маркази (АБКМ) га мурожаат қилинг. АБКМ томонидан берилган йўлланмалар 2021 йил 01 августдан 15 сентябргача www.sertifikat.mehnat.uz манзили орқали online равишда марказга юборилади. Йўлланмалар марказга келиб тушгандан кейин 5 иш куни муддатида сизга бу ҳақда хабар юборамиз.

АБКМ йўлланмаси ўқишга қабул қилиш учун асос ҳисобланади, имтиҳон ёки синовларсиз ўқишга қабул қилинади. Шошилиг, ўринлар сони чекланган. Режадаги ўқувчилар қабул қилингандан кейин йўлланмалар қабул қилинмайди.

Марказда машғулотлар 2 октябрдан бошланади.

Қуйидаги ҳужжатларни марказга келганингиздан кейин қабул комиссиясига топширасиз:

1. Ариза.
2. Паспорт нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида паспортнинг асл нусхаси кўрсатилади)..
3. Маълумотини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси (аттестат ёки диплом).
4. Ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама (иш берувчи, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази, жисмоний шахс) шартнома нусхаси.
5. 3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 4 дона рангли фотосурат.

Манзил: Самарқанд шаҳар, Спитамен кўчаси, 264а уй

Мурожаат учун телефонлар: (99866) 221-73-62,

bestdoc.mehnat.uz: Самарқанд КОИКА маркази

Web сайт: www.samarkand-vc.uz

Телеграм: @samarkandvc

Facebook: @samarkandvc

E-mail: sam-koica@mail.ru

ИНН 207243716

Қабул тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни Марказ веб-сайтидан олишингиз мумкин.

Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик



Пайвандлаш ишлари механик техниги



Электрон техникаларини монтаж қилиш ва созлаш техниги



Компьютер инжиниринги техниги (Ахборот технологиялари)



Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жихозлари ва уларни автоматлаштириш



Компьютер графикаси ва мультимедия тизимлари техниги

